O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 17 декабрь, №253 (3265) Чоршанба





## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

***16 декабрь куни халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, Олий Мажлисга Самарқанд вилоятидан сайланган депутатлар иштирок этди.***

***Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.***

— Ҳаммангизга маълум, яқинда Президент фармони билан Самарқанд вилояти ҳокими вазифасида ишлаб келган Шавкат Миромонович Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига тайинланди. Бу ҳақдаги Фармон Олий Мажлиснинг ўтган ҳафтада бўлиб ўтган ўн учинчи сессиясида кенг муҳокама қилиниб, тасдиқланди, деди Президентимиз.

Мана шундай қарорга келишимизга сабаб бўлган асосий бир масалага эътиборингизни жалб қилмоқчиман.

Ўйлайманки, барчамиз бир ҳақиқатни яхши тушунамиз: мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, ислоҳотларни кенг кўламда ва изчил жорий этиш, янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида учрайдиган кўпгина муаммоларни ечишда, аввалambор, давлат бошқарувида ҳар қайси идора, ҳар қайси бўғин, қолаверса, ҳар қайси раҳбар ўз ўрни ва масъулиятини чуқур англаган ҳолда ишлаши, ўз ваколати доирасида ўз вазифасини самарали адо этиши зарур.

Бундай талаб, аввалambор, юқори поғона, яъни Марказда фаолият кўрсатаётган ҳукумат аъзолари ва ҳукумат идораларига, уларнинг раҳбарларига, бугун ҳаётимизда ўтказилаётган ислоҳотларга бошқош бўлаётган ва катта ваколатга эга бўлган мутасадди шахсларга тегишли десак, хато бўлмайди. Яъни ҳар қайси туман, ҳар қайси вилоят манфаатини, ҳудудлар олдида турган вазифаларни инкор этмаган ҳолда, энг юқори бўғиндаги бошқарув идораларининг фаолиятини кучайтириш, уларни жойлардаги аҳвол ва муаммоларни чуқур биладиган етук кадрлар билан мустаҳкамлаш масаласига биз устувор аҳамият беришимиз зарур, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Содда қилиб айтганда, давлат ва жамият, элни бошқарадиган ҳар қайси вазифада, албатта, ишнинг негизини биладиган, ҳаётнинг бугунги талабларига жавоб бера оладиган, Амир Темур бобомиз таъбири билан айтганда, ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби бўлган, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр одамларнинг ишлаши катта аҳамиятга эга.

Буни ҳаммамиз яхши тушунамиз, лекин айни вақтда, ҳар қайси вилоят, ҳар қайси туман ва жойларда ўз фаолияти билан халқ орасида ҳурмат-эҳтиром қозонган етакчиларни, ҳаёт талаб қилса, юксак вазифаларга йўллашни, уларга оқ фотиҳа беришни шу ерда хизмат қилаётган жамоатчилик ўзи учун шараф, ҳам қарз, ҳам фарз деб билиши лозим, деб ҳисоблайман.

Президент сессия қатнашчилари эътиборини яна бир масалага қаратди.

Бугунги кунда ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, ислоҳотлар, аввало, инсон учун, деган ғояни биз ўз олдимизга асосий мақсад қилиб қўйганимизни ҳаммамиз яхши биламиз.

Ҳозирги вақтда халқимизнинг асосий қисми, яъни қарийб 60 фоизи қишлоқда яшайди. Бинобарин, қишлоқ аҳолисининг ташвиш-муаммолари, эҳтиёжларидан хабардор бўлиш ва уларни ўз вақтида ҳал қилиш — барча раҳбарлар, халқ ишонч билдирган сиз, депутатлар ва фаолларнинг асосий бурчи экани ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Айни вақтда бугун қишлоқ хўжалигидаги вазият — аввало, кейинги йилларда мамлакат бўйича тупроқ унумдорлиги сезиларли даражада пасайиб, суғориладиган майдонларнинг 50 фоизидан кўпроғи турли даражада шўрлангани, умуман, экологиямиз бузилиб бораётгани ва шу каби бошқа оғир муаммолар соҳа ривожига нақадар салбий таъсир ўтказаётгани ҳам барчангизга яхши аён.

Табиий қийинчиликлар, об-ҳаво инжиқликлари ўз йўли билан, аммо бизнинг ишимизга халақит бераётган яна бир қанча субъектив сабаблар, ғов-тўсиқлар ҳам борки, бу муаммоларни ечиш учун жойлардаги аҳволни яхши биладиган, минтақаларнинг дарди билан яқиндан таниш бўлган раҳбар ва мутахассисларни жалб қилишимиз керак.

Ўз-ўзидан равшанки, қишлоқ хўжалигидаги бундай мураккаб вазиятни ўнглаш учун бу масъулиятли вазифа топширилган одамларга тегишли ваколат ҳам берилиши лозим.

Ҳаёт-мамотимизни белгилайдиган мазкур соҳани бошқариш, қабул қилинган қарорларни изчиллик ва қатъиятлик билан ҳаётга жорий этиш учун бошқариш тизимининг энг юқори поғонасидан энг қуйи лавозимигача ишни ана шундай хусусиятларга эга бўлган инсонларга топширишимиз зарур.

Босиб ўтган йўлимиз, тажрибамиз шуни кўрсатмоқдаки, ҳукуматни бошқарадиган одам бевосита жойларда, минтақа ва ҳудудларда бўлиб, мавжуд аҳволни, у ерлардаги ечилмаган муаммоларни чуқур билиши, уларни ўз ҳаёти, ўз юрагидан ўтказиши, лўнда қилиб айтганда, шу муаммоларнинг қозонида қайнаган бўлиши керак. Ва бундай билим ва тажриба ана шу масалаларни ечишда ҳал қилувчи роль ўйнаши шубҳасиз.

Юқорида зикр этилган мана шу омиллар, фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, бу борадаги бугунги ҳукумат сиёсатини, ҳақиқатан ҳам, кескин ўзгартириш, уни минтақа ва ҳудудларнинг муаммоларига яқинлаштириш масаласини инобатга оладиган бўлсак, шу талабларга жавоб берадиган ҳукумат раҳбарининг айнан минтақадан қўйилишини табиий қонуният, деб қабул қилиш ўринли бўлади.

Шу маънода, Шавкат Мирзиёев ҳақида гапирадиган бўлсак, сизлар яхши биласизки, дастлаб у Тошкент шаҳрида бир неча йил туман ҳокими вазифасини бажарди. Кейин эса Жиззах вилоятининг биринчи раҳбари лавозимида ҳам фаол иш олиб борди. Мирзиёев билан Жиззахда бирга меҳнат қилган одамлар унинг вилоят миқёсида катта-катта ишларга бош-қош бўлганини ҳали-бери яхши эслайди.

Кейинги икки йил давомида у Самарқанд вилоятини бошқариб келди ва шу қисқа давр ичида воҳа ҳаётида — нафақат ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги соҳасида, балки одамлар билан тил топишиш, эл-юртнинг кўнглига етиб бориш ва уларнинг бошини қовуштиришда, кўп-кўп ижобий бунёдкорлик ишлари-

(Давоми 2-бетда).

**СУРАТЛАРДА:** сессия пайти.

**А. ТЎРАЕВ, Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

### Р.И.Холмуродовни Самарқанд вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-/12-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:

Рустам Ибрагимович Холмуродов Самарқанд вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 16 декабрь.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

### Ш.М.Мирзиёевни Самарқанд вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Шавкат Миромонович Мирзиёев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Самарқанд вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 16 декабрь.

### ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ РЕЖЕП ЭРДОГАННИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Туркия Республикаси Бош вазири Режеп Эрдоган шу йил 18-20 декабрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Ташриф чоғида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболларига оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама этилиши, шунингдек, қатор муҳим ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг*

*ҚАРОРИ*

## Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджети тўғрисида

*Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилга мўлжалланган Давлат бюджетининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилиб, муҳокама қилиш мобайнида Олий Мажлис депутатлари билдирган таклиф ва мулоҳазалар ҳисобга олинган ҳолда маромига етказилган лойиҳасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси* ***ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджети бюджет тақчиллигининг энг юқори даражаси ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 1,0 фоиз миқдорида белгиланган ҳолда маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати:

мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан янада барқарор ривожланишини, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланишини, қатъий пул-кредит сиёсати ўтказилишини, миллий валюта курси мустаҳкамланишини, ижтимоий дастурлар устувор тарзда молиялаштирилишини ва бюджет маблағлари иқтисод қилинишини таъминласин;

маъмурий ислоҳотлар, жадал хусусийлаштириш, фаол инвестиция сиёсати ўтказиш, янада мақбул инвестиция муҳитини шакллантириш, тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб этиш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш ҳамда товарлар ва хизматлар экспортини кўпайтириш учун зарур шароитларни таъминлаш ҳисобига иқтисодиётнинг барча секторларида чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширсин;

корхоналар зиммасидаги солиқ юкини изчиллик билан камайтириш борасидаги ишларни давом эттирсин, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишчанлик фаоллигини оширишга, корхоналарнинг иқтисодий мустақиллигини, энг аввало, олинган даромадларни тасарруф этиш масалаларидаги мустақиллигини кенгайтиришга кўмаклашадиган чора-тадбирлар қабул қилсин, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама рағбатлантирсин;

Давлат бюджети тақчиллигини фақатгина пул қадрсизланишига тааллуқли бўлмаган манбалар ҳисобидан, шу жумладан, хусусийлаштиришдан, ўртача муддатли давлат облигацияларидан тушадиган тушумлар ва ташқи манбалар ҳисобидан молиялаштирсин.

3. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бюджет даромадларининг тасдиқланган кўрсаткичлари сўзсиз бажарилиши, минтақаларнинг солиқ базаси ва молиявий салоҳияти кенгайтирилиши юзасидан самарали чора-тадбирлар қабул қилинишини таъминласинлар, бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсинлар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 11 декабрь.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг*

*ҚАРОРИ*

## Бухоро, Навоий, Наманган, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларининг туман маъмурий-ҳудудий тузилмаларини тугатиш ҳамда Навоий вилоятининг Навоий тумани чегараларини кенгайтириш ва номини ўзгартириш тўғрисида

*Маъмурий-ҳудудий тузилмаларни мақбуллаштириш ва такомиллаштириш, жойлардаги ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида ҳамда «Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилиш, топономик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси* ***ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳамда халқ депутатлари Бухоро, Навоий, Наманган, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари Кенгашларининг Бухоро шаҳридаги Файзулла Хўжаев ва Тўқимачи туманларини, Навоий шаҳридаги Кармана туманини, Наманган шаҳридаги Давлатобод туманини, Самарқанд шаҳридаги Сиёб, Боғишамол ва Темир йўл туманларини ҳамда Фарғона шаҳридаги Қиргули туманини 2004 йилнинг 1 январидан тугатиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Бухоро, Наманган, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларининг ҳудудларида туманлар тугатилаётганлиги муносабати билан бу шаҳарларнинг илгариги чегаралари сақланиб қолади.

3. Навоий вилоятининг Навоий тумани Кармана тумани деб қайта номлансин ва унга Навоий шаҳрининг тугатилаётган Кармана тумани ҳудуди қўшилсин.

4. Навоий вилоятининг Навоий шаҳри ва Кармана тумани чегаралари график чизмага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Кармана туманининг маркази деб Кармана шаҳарчаси белгилансин.

6. Тугатилаётган Кармана тумани ҳудудидаги сайлов округларидан халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгашига сайланган депутатлар ҳамда халқ депутатлари Навоий тумани Кенгаши депутатлари янгитдан тузилаётган халқ депутатлари Кармана тумани Кенгаши депутатлари эканликлари белгилаб қўйилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ушбу қарорнинг тегишинча 1 ва 3-моддаларида кўрсатиб ўтилган туманлар тугатилаётган ҳамда қайта ташкил этилаётган даврда жойлардаги тегишли ҳокимият ижро этувчи органлари томонидан шаҳар хўжалиги ташкилий тартибда бошқарилишини таъминлаш юзасидан комплекс чора-тадбирларни амалга оширсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 12 декабрь.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг*

*ҚАРОРИ*

### Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари этиб сайлансин:

Жамила Шариповна **Мавлянова**

Масардин Нодирбекович **Ҳасанов**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 12 декабрь.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг*

*ҚАРОРИ*

### Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Шуҳрат Зафарович **Саидов** Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьяси этиб сайлансин.

2. Есенбек Казиевич **Есниязов** берган аризасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьяси вазифасидан озод этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 12 декабрь.

# САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ни — бу қурилиш ёки ободончилик, тиббиёт ёки таълим соҳаси бўладими — умуман, халқнинг кайфиятига ижобий таъсир қиладиган ишларни амалга оширишда Самарқанд аҳли унинг раҳбарлигида катта ютуқларга эришди.

Биргина қишлоқ хўжалигини оладиган бўлсак, бу йилги мураккаб об-ҳаво шароитига қарамасдан, вилоят меҳнаткашлари қаттиқ меҳнат қилиб, пахта ва ғалла бўйича шартнома режаларини бажаришга эришганини айтиш кифоя, деб таъкидлади Президентимиз.

Бундай жиддий ўзгаришларни бошқа жабҳаларда, жумладан, ижтимоий соҳа ривожида ҳам кузатиш мумкин. Мисол учун, сўнгги пайтда аҳоли турмуш шароитини яхшилашнинг асоси бўлган табиий газ ва ичимлик суви таъминоти масаласида салмоқли натижалар қўлга киритилди. Охирги икки йил мобайнида 800 километрдан зиёд газ тармоғи тортилиб, 100 дан ортиқ қишлоқ табиий газ билан, шунингдек, қарийб 400 километрлик сув тармоғи барпо этилиб, 115 та қишлоқ тоза ичимлик суви билан таъминлангани бунинг амалий тасдиғи бўла олади.

Шулар қаторида вилоят шаҳар ва қишлоқларида 90 та маҳалла гузари, 31 та қишлоқ-врачлик пункти, 6 та ихтисослашган шифохона, 880 минг квадрат метр уй-жой қурилгани, ўнлаб янги мактаб, лицей-коллежлар, маданий-маиший ва спорт иншоотлари барпо этилгани ҳам бу ерда кейинги йилларда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилганини кўрсатади.

Нафақат Самарқанд шаҳри, балки бутун вилоят қиёфасини ўзгартириб юборган бундай қурилиш ва ободончилик ишлари ҳақида узоқ гапириш мумкин.

Албатта, бундай улкан ишларни ва режаларни амалга оширишда, аввало, шу юртнинг ватанпарварлари, фидоийлари, бутун Самарқанд элининг хизмати ва меҳнати борлигини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Лекин буларнинг барчасини бошқариш, одамларни катта марраларга, керак бўлса, зафарларга чорлаш, уларни ўз кучи ва қудратига ишонтириш — бу ҳар қандай раҳбарнинг ҳам қўлидан келмайди, десам, бу ҳам ҳақиқат.

Шунинг учун ҳам ишга муносабати, ташкилотчилик қобилияти билан ўзини кўрсатган Шавкат Мирзиёев номзодини Бош вазир лавозимига таклиф қилдик ва Олий Мажлисимиз сессияси бу таклифни қўллаб-қувватлади.

Вилоятнинг янги раҳбарини тайинлаш ҳақида гапирганда, деди давлатимиз раҳбари, аввало, шуни айтиш кераккки, Самарқанд аҳли — бу туман ёки вилоят маркази бўладими, узоқ ва чекка қишлоқлар бўладими — бугун ҳамма жойда катта, баланд руҳ билан меҳнат қилмоқда. Вилоят меҳнаткашларининг иқтисодиётни юксалтириш, ўз маҳалласи, ўз юртини янада обод қилиш мақсадида янги-янги уфқларга интилиб, улкан ишларни амалга ошираётганини бутун Ўзбекистон кўриб турибди, десак, асло хато бўлмайди.

Янги раҳбарга **биринчи талаб** шуки, у одамлардаги мана шундай кўтаринки руҳни, катта ишларга бел боғлаган Самарқанд аҳлининг орзу-интилишлари ва азму шижоатини сўндирмасдан, камайтирмасдан, шу элга етакчи бўлиб, бош-қош бўлиб, уни янги мақсад ва марралар сари бошлаши керак.

**Иккинчи талаб** — вилоят раҳбари халқ ичидан чиққан, унинг табиатини яхши тушунадиган инсон бўлиши, шаҳар ва қишлоқ аҳлининг муаммоларини чуқур англаши, ёрдамга муҳтож одамларнинг дардига малҳам бўла олиши, ёшми-қарими, зиёлими, ишчими, уларнинг интилишларига ҳамоҳанг бўлиб, ўз фаолиятини эл-юрт ҳаёти билан чамбарчас боғлай олиши зарур.

Барчамиз шуни унутмаслигимиз лозимки, инсон фақат бугунги кун билан яшамайди. Шунинг учун ҳам бу вилоятни бошқарадиган одамга **учинчи талаб** — шу ҳақиқатни яхши англаб, авваламбор, мана шу ерда ҳаёт кечирадиган халқнинг эртанги кунини, истиқболини ҳар томонлама кўзлаб иш олиб бориши даркор, деди Президентимиз.

**Истиқбол деганда,** биз, аввало, мана шу Самарқанд заминида яшаётган 2 миллион 800 мингдан зиёд аҳолининг турмуш даражасини кўтаришни, ёш авлод иқболини ўйлаб, ёруғ келажакни яқинлаштириш йўлида бутун борлиғини сафарбар этиб, фидокорона меҳнат қилишни тушунамиз.

**Истиқбол деганда,** биз биринчи галда бунёдкорликни, одамларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилишга қаратилган ишларни, айниқса, мактаб-маориф, тиббий ва коммунал хизмат, аҳолини иш билан банд қилиш, газ ва сув таъминоти каби ҳаётий муҳим масалаларни ўз вақтида ҳал этишни назарда тутамиз.

Шу билан бирга, янги-янги корхоналарни барпо этиш, иқтисодиётга хорижий инвестицияларни олиб келиш, сифатли ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш, саноатда замонавий технологияларни жорий этиш, кичик ва ўрта бизнесни ҳар томонлама ривожлантириш вазифалари ҳам бизнинг келажак режаларимизда асосий ўрин тутиши лозим.

**Истиқбол деганда,** биз, аввало, қишлоқ хўжалигида янгича мулкий муносабатларни шакллантириш, одамларда ерга эгалик туйғусини қарор топтириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, соҳани замонавий техника воситалари ва юксак технология билан таъминлаш, тобора кучга кириб бораётган фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу тариқа қишлоқ халқининг фаровонлигини ошириш сингари устувор вазифаларни тасаввур қиламиз.

Бугун шиддат билан ўзгараётган замон ҳар биримиздан ўз фаолиятимизни танқидий баҳолаб, уни тубдан ўзгартиришни, янада такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Шу борада янги раҳбар ва унинг хусусият ва фазилатлари ҳақида гапирар эканмиз, бир масалага эътиборингизни жалб қилмоқчиман.

Шу ерда яшаётган, истиқомат қилаётган халқни янги уфқларга даъват қилиш учун янги ҳоким биринчи галда қуйи, ўрта ва юқори бўғинларда ўтирган барча раҳбар ва мутасаддилар билан тил топишиб ишлаши, оддий одамларнинг ҳурматига муносиб бўлиши, айниқса, муҳим. Бунинг маъноси шуки, янги раҳбар вилоятдаги катта-кичик етакчиларда — у туман ҳокимими, ширкат хўжалиги ёки ташкилот бошлиғими, бундан қатъи назар, фақат ижрочилик билан чекланиб қолмасдан, уларда ташаббускорлик ва тадбиркорлик аломатларини, изланувчанлик фазилатларини уйғотиши ва рағбатлантириши даркор.

Энг муҳими, вилоят ҳокимлигининг идорасида ҳам, туманларда ҳам ўзаро ишонч, бир-бирини тўғри тушуниш, умумий иш учун жон куйдириш руҳи устун бўлиши керак.

Аксинча, янги раҳбар ўзига ёқадиган, ўзига мос бўлган, ўзига шахсий садоқат кўрсатадиган одамларни амалга ўтказишдек номақбул кайфиятларга берилмаслиги, маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, уруғ-аймоқчилик ва қабилабозлик каби иллатлардан узоқ бўлиб, кадрларни ўзгартириш масаласида жуда эҳтиёткорлик билан иш олиб бориши зарур.

Бу фикрни урғу бериб айтаётганимнинг сабаби шуки, деб қайд этди мамлакатимиз раҳбари, биз кўпгина туман ва вилоят раҳбарларини бу ҳақда огоҳлантирганимизга қарамасдан, бундай эски асоратлардан ҳали-бери жудо бўлолмаяпмиз. Мен бу ҳақиқатни афсус билан таъкидлашга мажбурман.

Бу масалага тўғри, холисона ёндашиш, етти ўлчаб бир кесиш, ишнинг негизини биладиган, юқори малакага эга бўлган, ҳалол ва тажрибали ходимларни, мутахассисларни асраб-авайлаш, тарбиялаш керак. Содда қилиб айтганда, яхши кадрларни асрайдиган раҳбар, аввало, ўзини асрайди, муҳитнинг доимо барқарор бўлиб қолишига хизмат қилади.

Шуларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, мен вилоят ҳокими лавозимига Самарқанд давлат университети ректори вазифасида ишлаб келган Рустам Иброҳимович Холмуродов номзодини таклиф этаман.

Шу ўринда Президентимиз йиғилганлар эътиборини яна бир масалага қаратди.

Самарқанд диёри умумбашарият цивилизациясининг Рим сингари қадимий бешикларидан бири сифатида бутун ер юзида тан олиниши, унинг беқиёс табиати, кенг маънодаги унумдор замини, номлари жаҳон тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган мумтоз зотларни бергани билан барчамиз чексиз фахрланамиз. Самарқанд замини Имом Бухорий ва Имом Мотуридий, Хожа Аҳрор ва Махдуми Аъзам каби мусулмон оламида машҳур бўлган алломалар, азиз-авлиёларнинг хоки ётган табаррук масканлари билан ҳам мўътабардир.

Соҳибқирон Амир Темур ўз салтанатининг пойтахти этиб танлаган, нафақат буюк тарихий обидалари, балки Улуғбек ва Али Қушчи каби улуғ мутафаккирлар ўзининг дунёни ҳайратга солган ўлмас кашфиётларини яратган бу юртни бетакрор мўъжиза десак, асло хато бўлмайди. Шу боис асрлар давомида маърифат зиёсини таратиб келган Самарқанддаги илму фан ўчоқлари, қадимий мадрасаларда яратилган буюк мерос ҳар биримизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Самарқанд бугунги кунда ҳам ўзининг илмий кашфиёт ва ютуқлари орқали жаҳонга танилган ўнлаб олий ўқув юртлари ва илм-фан даргоҳлари билан, ўзининг истеъдодли зиёлилари, юксак салоҳиятга эга бўлган илмий жамоатчилиги билан дунёда обрў-эътибор топмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳеч шубҳасиз, вилоят ҳокимлигига номзод ҳақида гапирар эканмиз, унинг хусусият ва фазилатлари ҳақида сўз юритар эканмиз, унинг мана шундай юксак маърифий ҳаёт билан ҳамоҳанг бўлиб яшашга қурби, билими ва савияси етадиган инсон бўлиши кераклигини ҳаммамиз яхши тушунамиз, деб ўйлайман.

Бир сўз билан айтганда, бу раҳбар шу тупроқда униб-ўсган, шу заминни муқаддас деб қабул қиладиган, шу ерда яшайдиган халқнинг табиатини, феъл-атвори ва орзу-умидларини юракдан ҳис эта оладиган, шу эзгу интилишларни рўёбга чиқаришга астойдил бел боғлаган одам бўлиши зарур, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Ишончим комилки, вилоятнинг меҳнаткаш, мард ва ориятли халқи Самарқанд заминининг катта салоҳияти ва имкониятларини рўёбга чиқариш, Самарқанднинг шуҳратини янада юксалтириш учун бир тан, бир жон бўлиб, ўзини аямай меҳнат қилади, деди пировардида Президентимиз.

Сессияда ташкилий масала кўрилди.

Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига тайинлангани муносабати билан Самарқанд вилояти ҳокими вазифасидан озод этилди.

Президент Ислом Каримов тавсиясига биноан, Самарқанд давлат университети ректори лавозимида ишлаб келаётган Рустам Холмуродов Самарқанд вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан Пахтачи туманидаги А.Оллоёров номидаги ширкат хўжалиги раиси Ф.Тўхтапўлатова, Нарпай тумани ҳокими А.Жамилов, Ургут тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Х.Нуруллаев, Каттақўрғон туманидаги 2-ўрта мактаб директори О.Ўроқова, "Зарафшон" нашриёти директори Х.Бобомуродова ва бошқалар вилоят аҳли Президентимизнинг нутқида қўйилган вазифаларни амалга ошириш, Самарқанд заминининг катта салоҳияти ва имкониятларини рўёбга чиқариш, унинг шуҳратини янада юксалтириш учун ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилишини таъкидлади.

**(ЎзА).**

## ХАТЛАР сўзлайди

### Кўнглим тинчиди

Ростини айтсам,бундан бир ой аввал ўғлимга ҳарбий хизматга чақирув қоғози келганда, юрагим бир ҳаприқиб тушганди. Чунки собиқ Шўро армиясидаги тартибсизлик ва бошбошдоқликларни эшитаверганимданми, ёлғиз ўғлимни армияга жўнатиш истаги бутунлай сўнганди. Бироқ ўғлим «Ҳарбий хизматга бораман», деб туриб олди...

Яқинда Самарқанддаги танкчилар ҳарбий қисми командиридан ўғлимнинг ҳарбий қасамёд қабул қилиш кунига таклифнома олдим. Айтилган куни етиб бордим. Биз ота-оналарни ҳарбий қисм командири, майор Р.Ортиқов кутиб олди. Маросим бошлангунга қадар у бизларни аскарларнинг яшаш шароити, ётоқхона, ўқув машғулоти хоналари, спорт заллари ва ошхоналар билан таништириб чиқди. Ростини айтсам, бу ердаги осойишталик, саранжом-саришталик, аскар-командирларнинг бир-бирига самимий муносабатларини кўриб кўнглим тоғдек кўтарилди. Ўғлимни аскарлар сафида, ҳарбий кийимда кўриб, кўзим қувнади. Ҳарбий қасамёд қабул қилиш катта тантана, шодиёнага айланди.

Мен фарзандларимизга яратилган бундай шарт-шароит учун мазкур ҳарбий қисм раҳбарларига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

**Раиса САМАТОВА.**

### Отангга бор...

Биз «Истиқбол» ширкат хўжалигига қарашли маҳаллада яшаймиз. Қишлоғимизда бир неча йилдан буён электр нурининг мунтазам ўчишидан қийналаяпмиз. Ваҳоланки, электр ҳақини доимо ўз вақтида тўлаб келамиз.

Бу масала хусусида туман электр тармоғи раҳбарларига кўп бора учрадик. Лекин улар «Сизларга келадиган тармоқ вилоятдан ўчирилади», деган жавоб билан муаммони ўзларидан соқит қилиб келишаяпти.

Туманда электр узатишдаги носозликлар тугармикан?

**Абдували ПАРМОНОВ.**
**Жиззах вилояти,**
**Ғаллаорол тумани.**

### «Катта иш» қачон бошланади?

Қишлоқларимиздаги водопровод эътиборсизлик, қаровсизлик оқибатида бузилиб, 1996 йилдан буён ишламайди. Натижада бу ердаги аҳоли ёзин-қишин 2-3 километр йўл босиб, тоза ичимлик суви ташишга мажбур. Биз-ку майли, 800 ўқувчи ўқийдиган мактаб, болалар боғчаси, ҳаттоки тиббий муассасалар ҳам сувсизликдан қийналишмоқда.

Ёрдам сўраб бир нечта ташкилотга мурожаат қилдик. «Шикоятингиз бўйича яқинда катта амалий иш қиламиз, бошқа ариза ёзманг» дея ҳокимликдан вакил келиб кетди, холос. Ўша «катта иш»га ҳаракат қачон бошланишини ҳамон кутаяпмиз.

**Пастдарғом туманидаги**
**Бирлик, Синчи, Бурранг,**
**Янгийўл, Бешбола қишлоқларида**
**яшовчи аҳоли номидан**
**Ю.МИРЗАЕВ.**

*Ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов давом этмоқда*

## Маҳалланинг қиёфаси

***Эшқобил Поёновни Термиз шаҳар Алпомиш маҳалласи одамлари учинчи бор раисликка сайладилар. Бу Сурхондарёдаги 678 та маҳалла фуқаролар йиғини ичра унчалик кўп учрамайдиган ҳолатдир.***

***Жарқўрғондаги Қорабира маҳалласи фуқаролари эса «Биз янги сайлаган оқсоқолимиз — Абдуазиз Алиёровга елкадош, кўмакдош бўлиб, ўз элимиз, ўз юртимизнинг обод бўлишига хизмат қиламиз», дедилар.***

«Ўз маҳалламизни ўзимиз обод қиламиз. Унинг осойишталиги ва хотиржамлиги учун ўзимиз кафил».

Бу Жарқўрғонда кеча ё бугун айтила бошлаган гаплар эмас. Жарқўрғонда ҳозир ҳар уч маҳалланинг биттасида обод гузар ишлаб турибди. Гузарларнинг деярли ҳаммаси маҳалладаги тадбиркорлар ҳомийлигида ва одамларнинг фаол иштирокида қад ростлаган. Уларда бозор, қариялар чойхонаси, маданий-оқартув нуқталари, спорт тўгараклари мавжуд. Айниқса, Намуна маҳалласида катта ишга қўл урилди: бир вақтнинг ўзида ўнга яқин спорт машғулотларини ўтказиш имкониятига эга болалар спорт мажмуи қурилиши ниҳоясига етай деб қолди.

Меҳнатобод маҳалласини ободонлаштиришда эса «Фарҳод ТМВ» фермер хўжалигининг ҳиссаси катта. Маҳалла фермер хўжалигининг кучи — маблағи билан газлаштирилди. Тегирмон, савдо растаси, бошқа сервис хизмати нуқталари ишлаб турибди.

— Дарвоқе, шаҳримиз маҳаллаларида катта ишлар қилинди, — дейди республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлими бошлиғи Қувондиқ Бегалиев. — Жарқўрғонимизни кўрганлар, «Бу шаҳар кичкина Тошкент бўлибдику», дейдилар. Кўчаларимиз кенг, текис.

Бегалиевнинг айтишича, туманда 59 та маҳалла бор. Беш қўл баробар эмас, деганларидек, ҳали ўзига яраша муаммолар, ташвишларга юзма-юз келиб турган маҳаллалар ҳам йўқ эмас. Шулардан бири Тўхта Шобуров номли ширкат хўжалиги ҳудудидаги Оқтепа маҳалласидир.

Маҳаллада бу йил қишлоқ врачлик пункти қуриб битказилди. Қишлоқ тадбиркорлари клубни таъмирлашди ва ўзбекча кураш тўгараги очишди. Одамларнинг иссиқ-совуғидан бохабар бўлиб, уларга амалий ёрдам кўрсатиш борасида ҳам талай юмушлар қилинди. Лекин...

Маҳалла нуронийларидан бири Амир Холбоев оқсоқол сайлашга бағишланган мажлисда «Бизнинг маслаҳатгўйимиз ҳам, суянадиганимиз ҳам, севинадиганимиз ҳам — маҳалла», деган фикрни билдирди. Амир бобонинг бу гапига қўшилганлар маҳалла фуқаролар йиғини раиси бўлиб ишлаб келган Раҳмон Маматов фаолиятининг айрим яхши жиҳатларидан кўз юммаган ҳолда, унга бўлган эътирозларини ҳам яшириб ўтирмадилар.

Самимий кечган мунозаранинг ниҳояси шу бўлдики, мажлис маҳаллага муносиб раис сайлаш масаласини қайтадан кўриб чиқишни ишчи гуруҳи зиммасига юклади. Бу ҳолатни раисликка номзоди қўйилган одамлар ҳам тўғри тушундилар. «Кўпнинг фикри — вожиб!» деган фикрни билдирдилар.

Ҳа, Сурхондарёда ҳам маҳалла фуқаролар йиғинлари раислигига сайловлар расмиятчилик, ўзибўларчиликлардан холи тарзда, умумфаоллик тамойиллари асосида ўтказилмоқда. Бу жараёнда ҳамма жойда одамлар оқтепалик оқсоқол Амир Холбоевнинг «Маслаҳатчимиз, суянчиғимиз, қувватимиз, фахр-ғуруримиз — ўзимизнинг маҳалламиз, ўзимизнинг элимиз», деган каломини такрорладилар.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Анжуман*

## Фармон ижросига бағишланди

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармони эълон қилинган эди. Кеча Ички ишлар вазирлигининг Жазони ижро этиш бош бошқармаси мажлислар залида ушбу Фармоннинг ижросини таъминлашга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Прокуратура ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг вакиллари иштирокида ўтказилган семинар-кенгашда Юртбошимиз томонидан илгари сурилган инсонпарварлик тамойилига амал қилиш, суд-ҳуқуқ ислоҳотида туб бурилиш ясаган жиноий жазони либераллаштириш тўғрисидаги қонун талаби асосида иш юритиш лозимлиги уқтирилди. Ички ишлар вазирининг ўринбосари, ички хизмат генерал-майори Ражаб Қодиров бошқарган йиғилишда Амнистия тўғрисидаги Фармонни ижро этишда суд, терговҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида қонунийликка риоя этиш муҳимлиги таъкидланди.

**Қурбон ЭШМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Далил ва шарх*

## Иқтисодий

***Мамлакатимизда бозор муносабатлари кундан-кунга такомиллашиб бормоқда. Мустақиллик йилларида ислоҳотлар туфайли мулкнинг ранг-баранг шакллари жорий этилди. Иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик, бюрократик усуллари ўрнини талаб ва таклиф, манфаатдорлик ва фойда кўриб ишлаш каби замонавий усуллар эгалламоқда. Кўп укладли, аралаш иқтисодиёт пойдевори қурилиб, қисқа давр ичида макроиқтисодий барқарорликка эришилди.***

***Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг самараларини бера бошлади. Хусусан, 2003 йилнинг 9 ойида ялпи ички маҳсулот 4 фоизга, жумладан, саноатда 5,7 фоизга, қишлоқ хўжалигида 4,7 фоизга ўсди. Иқтисодиётнинг молия ва реал секторларида макроиқтисодий барқарорлик таъминланди. Инфляция ўтган йилнинг шу даврига нисбатан — 0,3 фоизгача пасайди. Ташқи савдо балансининг ижобий сальдоси эса 515 млн. АҚШ долларидан ошди.***

Булардан кўринадики, мамлакатимизда Юртбошимиз раҳбарлигида тарихан қисқа давр ичида сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда асрларга татигулик ишлар амалга оширилди.

Биз қўлга киритаётган бундай ютуқлардан ҳамма ҳам мамнун эмас. Гоҳида чет эл оммавий ахборот воситаларида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, эришаётган ютуқларимиз тўғрисида ғалати мулоҳазалар, ахборотларнинг пайдо бўлаётгани шундай хулоса чиқаришга асос беради.

**Маълумки, Ўзбекистонда шу йилнинг 15 октябридан бошлаб миллий валютамизнинг жорий халқаро операциялар бўйича конвертацияси очилди. Шу масала бўйича "Фергана Ру" сайтида 16 октябрда Н.Кошкиннинг пойтахтимиздаги "Le Meridian" меҳмонхонаси ёнидаги валюта алмаштирув шохобчасида АҚШ долларини сўмга бемалол алмаштирганини, лекин унга майда купюралар берганини *катта муаммо* сифатида ёзади.**

Айнан шу муаллиф номи зикр этилган сайтда 29 октябрда эълон қилинган бошқа бир мақолада Ўзбекистонда пахта теримида қишлоқ ёшларининг иштирок этаётганлигини "фожиа" сифатида ёзади. Унинг фикрича, пахта теримини тезлаштириш ва осонлаштириш учун ерни хусусий мулк қилиб бериш керак, ўшанда ҳамма муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлармиш.

**"Немецкая волна" радиосининг журналисти Томас Киршнинг фикрича, Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарасини оширишда жорий операциялар бўйича очилган конвертациянинг таъсири ижобий бўлмайди. Бунинг учун "капитал ҳисоби" бўйича ҳам конвертацияни зудлик билан очиш зарур эмиш.**

**"Москва" газетаси мухбири Юлия Федоринованинг Россия автомобиль бозорида энг кўп сотилаётган машина Ўзбекистонда тайёрланаётган "Нексия" ва Американинг "Форд Мотор" компанияси билан ҳамкорликда "Форд Всеволожск" заводида ишлаб чиқарилаётган "Форд Фокус" автомашинаси эканлигини эътироф этади. Аммо "Нексия"нинг "Форд Фокус"га нисбатан қулайлик даражаси паст, эскирган модель, деган фикрни айтишдан ўзини тийиб туролмайди. Журналист бу фикрини ўтган 9 ой давомида Россияда 9412 та "Форд Фокус" автомашинаси, 9378 та "Нексия" сотилгани, яъни атиги 34 та "Нексия" кам харид қилингани билан изоҳлайди. Лекин "Нексия"нинг нархи 7,6 минг АҚШ доллари, "Форд Фокус"ники эса 11,0 минг АҚШ долларига тенглигини эътиборга олмайди.**

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бундай қитмир гаплар соғлом мантиққа нечоғли тўғри келади?

Илгари Ўзбекистонда сўмнинг конвертацияси йўқ, деб ёзган одамлар энди хўрсиниб, валюта алмаштирилганда сўм майда пуллар билан берилаяпти, деб айюҳаннос солмоқда. Бу ақли расо одамнинг гапими?

Ўзбекнинг оқ пахтаси ҳақида ҳам, албатта, қандайдир қора гап айтиши керак бундай "куюнчак, ғамхўр дўстларимиз"! Аввало, қишлоқ ёшлари пахта терса ва ундан муайян даромад кўрса, нимаси ёмон?

Ўзбекистоннинг дунёда энг кўп пахта хомашёси ишлаб чиқарувчи 5 давлатдан бири эканлиги, енгил автомобиль ишлаб чиқарадиган 28 давлат сафидан жой олиши, миллий валютамизнинг конвертацияси очилиши баъзиларга ёқмаслиги мумкин. Лекин бу бор гап, бу халқимизнинг ютуғи.

Ана шу мисоллардан халқимиз эришаётган ютуқлар кимларнингдир ғашини келтириб, оромини олаётгани ва шу сабабли улар тирноқ орасидан кир қидиришга ва бизга хайрихоҳликдан кўра, қўлга киритаётган муваффақиятларимизни ерга уришга ҳаракат қилаётгани сезилиб турибди.

Миллатдошларимиз орасида ҳам фаровон турмуш ҳақида сўз кетса, баъзилар Америка, Англия, Япония ва Жанубий Корея каби ривожланган давлатлардан мисол келтиришни яхши кўради. Бизнинг ҳаёт даражамиз унақа эмас, деб ўйловчилар топилади.

**Лекин ўша давлатларда бундай фаровон ҳаётнинг пойдевори қачондан бошлаб қурилган? Унга неча йил, неча аср кетганлиги тўғрисида ўйлаб кўрмайди! АҚШдаги бугунги юксак турмуш даражаси Америка халқининг 300 йилдан ошиқ қилган меҳнатининг маҳсули эканлигини биламизми?!**

Мутахассисларнинг фикрича, давлатларнинг иқтисодий тараққиёти бир текисда кечмайди. Ривожланиш жараёнида эволюцион йўл билан босиб ўтиши муқаррар бўлган босқичлар, даврлар бўлади.

**Перулик машҳур сиёсатчи олим Эрнандо де Сото** фикрича, бу босқичлар аграр хўжаликдан янги техника, технологияга, яъни индустриал жамиятга, умумий хўжалик юритиш, умумий жамоа мулкий муносабатларидан бозор муносабатларига, жумладан, унинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланган хусусий секторни шакллантириш, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес, рақобатни ривожлантириш ва бу жараёнларда давлат ролининг кучайиб бориши XX-XXI асрнинг умумиқтисодий тенденцияси ҳисобланади. Бундай ҳолатлар, жумладан, **АҚШга ҳам хос бўлган. АҚШ ҳам 1929-33 йилларда "Буюк инқироз"ни бошидан кечирган. Бу давр унинг иқтисодиётини ғоят қийин ҳолатга солиб қўйган: ялпи ички маҳсулот 30 фоизга камайиб, ишсизлик 3 фоиздан 25 фоизга етган. 1920 йилда жами ишчи кучининг 70 фоизи қишлоқ хўжалигида банд бўлган. 1970-1980 йиллардаги бўҳрон ҳам АҚШда катта ижтимоий-сиёсий тангликларни келтириб чиқарган.**

Шунингдек, АҚШда 1760-1773 йилларда ўтказилган мулкни хусусийлаштириш жараёни ҳам осон кечмаган. 1783 йили Президент Жорж Вашингтон: **"Мамлакатнинг энг кўп фойда келтирадиган ишлаб чиқариш объектларини турли йўллар билан ўзиники қилиб олаётган "бандитлар"ни мамлакат ҳарбийлари, ҳуқуқшунослари тартибга келтира оладими-йўқми?"** деб алам билан ёзганини кўпчилик билади.

Бугунги кунда дунёнинг энг ривожланган давлатларидан бири ҳисобланган Япониянинг иқтисодий тараққиёти ҳам бир текис кечмаган. 1945 йилда урушдан чиққан мамлакат иқтисодиёти оғир аҳволга тушиб қолган эди. Токио ва бошқа катта шаҳарлар вайронага айлангани, ишсизликнинг, озиқ-овқат танқислигининг мисли кўрилмаган даражага етганлиги, саноатнинг ғоят паст ривожланганлиги Япониянинг 1940-1950 йиллардаги тарихидир. Қишлоқ хўжалигида асосан қўл меҳнатидан фойдаланиш одатий ҳол бўлиб, буткул хонавайрон бўлгани ва япон халқи иқтисодий жиҳатдан ниҳоятда аянчли ҳолга тушгани тарихдан маълум. Япония иқтисодиётида бундан 50-60 йил олдин бошланган ислоҳотлар бугунга келиб, ўз натижасини бермоқда.

*Ушбу банк мамлакатимиздаги энг йирик ва нуфузли молия муассасаларидан бири бўлиб, у, айниқса, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Хусусан, 2003 йил 1 декабрь ҳолатига кўра, шу мақсадда «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан жами 13265,8 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди. Бу маблағнинг 4777,6 миллион сўми саноатга, 2093,1 миллион сўми қишлоқ хўжалигига, 2441,7 миллион сўми қурилиш ва маиший хизмат соҳаларига, 3507,6 миллион сўми айланма маблағларни тўлдиришга, 445,8 миллион сўми эса бошқа тармоқларга йўналтирилди.*

## «Ўзсаноатқурилишбанк»:

# КРЕДИТЛАР МАҚСАДЛИ ЙЎНАЛТИРИЛМОҚДА

Шуниси эътиборлики, ана шу ажратилган 13265,8 миллион сўм кредитларнинг 12287,7 миллион сўми ёки 93 фоизи банкнинг ўз маблағлари ҳисобига тўғри келди. Биргина банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан эса кичик ва ўрта бизнес субъектларига 11141,7 миллион сўм ўрнига 12287,7 миллион сўм кредит ажратилди. Бу белгиланганидан 110 фоиз кўпдир. Натижада ўтган давр мобайнида кичик ва ўрта бизнес корхоналарида қўшимча 4267 та иш ўрни очилиб, уларда 3445,2 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди.

Буни банкдан кредит олиб, ишлаб чиқаришни изчил йўлга қўйиб олган тадбиркорлар фаолияти ҳам тасдиқлаб турибди.

– Биз 2002 йил 6 август куни «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Қибрай тумани филиалида ўз ҳисобварағимизни очган эдик, – дейди «Бура ота иссиқхонаси» хусусий корхонасининг раҳбари Шуҳрат Мираҳмедов. – Янглишмаган эканмиз. Банкнинг қўллаб-қувватлаши туфайли мўл-кўл қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга эришаяпмиз. Жорий йилнинг 9 ойи давомида 13519,0 минг сўм соф фойда олингани бунинг тасдиғидир.

Гап шундаки, 2003 йилнинг апрель ойида банк филиалидан 3 ойга 5 миллион сўм миқдорида қисқа муддатли кредит олгандик. Уни бир ойда қайтардик. Шуни ҳисобга олиб, шу йилнинг октябрь ойида банк томонидан янги иссиқхона сотиб олиш учун 9 ой муддатга яна 40000,0 минг сўм миқдорида кредит ажратилди. Ҳозирга қадар ана шу маблағнинг 5 миллион сўмини тўлаб қўйдик. Айни чоғда банк кассасига 46702,1 сўм миқдорида нақд пул маблағи топширдик.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги «Сайрам қандолат» хусусий корхонаси ( раҳбари Лутфиддин Аловуддинов) ҳам 2002 йил 22 майда мазкур банкдан шоколадли вафли ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун ускуна ҳамда хомашё харид қилиш мақсадида йиллик 15 фоиз устамаси билан 14000,0 минг сўм миқдорида ўрта муддатли кредит олган эди. Жорий йилнинг 10 ойи мобайнида бу ерда 8300,0 миллион сўмлик қандолат маҳсулотлари тайёрланиб, 300,0 минг сўм соф фойда қўлга киритилди. Муҳими, 4 та янги иш ўрни яратилиб, банкдаги ҳисоб рақамига 8300,0 минг сўм нақд пул маблағи топширилди.

Бундай ижобий мисолларни «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларига лизинг операциялари орқали қишлоқ хўжалик техникалари етказиб бериш жараёнида ҳам яққол кузатиш мумкин. Жумладан, 2002 йил 19 июнда банкнинг Тошкент вилояти Янгийўл филиали «Абулайс» фермер хўжалигига «ТТЗ-80» русумли трактор ва тележка сотиб олиш учун 7 йилга 10685,0 минг сўм миқдорида узоқ муддатли, Навоий вилояти филиали эса «Янги кислород» масъулияти чекланган жамиятига суюқ ва газ шаклидаги кислород ишлаб чиқарувчи ускуналарни харид қилиш учун 3 йилга 100,0 миллион сўм миқдорида ўрта муддатли кредит ажратган эди. Ҳозирги кунда фермер хўжалиги ҳам, масъулияти чекланган жамият ҳам янги техника воситалари ва ускуналардан унумли фойдаланиб, салмоқли ютуқларга эришмоқдалар.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги «Тижорат банкларининг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 195-сонли қарорида банкларга Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармасини тузиш вазифаси топширилган эди. 2003 йил 1 декабрь ҳолатига кўра, «Ўзсаноатқурилишбанк»да 5824,9 млн. сўм миқдорида Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси шакллантирилди. Бу жамғарма ҳисобидан эса жами 8080,8 миллион сўмлик, шу жумладан, 2003 йил давомида кичик ва ўрта бизнес субъектларининг 2741,6 млн. сўмлик лойиҳалари молиялаштирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Имтиёзли фонд ҳисобидан кредитлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизидан ошмаган фоизларда ажратилмоқда. Оқибатда саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар ана шу маблағ эвазига техника воситалари, минерал ўғитлар, уруғлик ва кўчатлар, хомашё, қурилиш материаллари ва турли ускуналар сотиб олдилар.

Бундан ташқари, Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 3 октябрда 1074-рақам билан рўйхатга олинган «Тижорат банклари томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларини бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш тартиби»га асосан, «Бизнес-фонд» маблағлари ҳисобидан кичик ва ўрта бизнес субъектларига бошланғич сармояни шакллантириш, яъни мини ускуналар, уруғлик, минерал ўғитлар ва тикув дастгоҳларини харид қилиш ва чорвачиликни ривожлантириш мақсадларига жами 519,4 млн. сўм, шу жумладан, 2003 йил давомида 260,4 млн. сўм кредит маблағлари берилди.

Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан эса оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида жами 87,3 млн. сўм, шу жумладан, 2003 йил давомида 61,4 млн. сўм кредит маблағлари ажратилди. Ушбу масблағлар асосан қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатаётган оилавий тадбиркорларга чорвачиликни ривожлантириш, мини ускуналар, уруғликлар ва кўчатлар, тикув дастгоҳларини харид қилишга ва иссиқхоналар барпо этишга йўналтирилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 7 ноябрдаги 383-сонли қарори асосида банк Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси билан биргаликда Фарғона, Хоразм, Наманган ва Бухоро вилоятларидаги фермер хўжаликларига кредитлар ажратиш юзасидан Бош келишувларни имзолаган эди. Шунга кўра, жамғарма томонидан ажратилган маблағлар фермерларга кредит сифатида расмийлаштирилмоқда. Ҳозиргача фермерларнинг эҳтиёжига кўра, кредит маблағларининг 226,7 млн. сўми пахта етиштирувчи фермерларга, 9,0 млн. сўми ғалла етиштирувчиларга ажратилди.

Таъкидлаш кераки, банк томонидан хўжалик юритувчи субъектларга кредит беришда асосий устуворлик маҳаллий хомашё негизида маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилмоқда. Шу мақсадга мўлжалланган лойиҳаларни эса миллий ва хорижий валютада молиялаштириш учун танлов ишлари олиб борилаяпти. Айни чоғда банк билан тадбиркорларнинг ўзаро шерикчилик алоқалари консалтинг хизмати кўрсатиш, шунингдек, уларни зарур ахборотлар билан таъминлаш орқали ҳам тобора мустаҳкамланаётир.

«Ўзсаноатқурилишбанк» ва унинг жойлардаги бўлинмалари жамоалари бундан буён ҳам асосий эътиборни республикамизда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни янда ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлаш ишларига қаратиб, ажратилган маблағларни эса мақсадли йўналтириш учун барча имкониятларни ишга солаверадилар.

**И. ЎТБОСАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Рангин олам ошуфталари

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Замонавий санъат марказида иқтидорли ёш рассомлар Дмитрий Охунбобоев, Анна Иванова ва Сейран Куртжемилнинг шахсий кўргазмаси очилди. Ўзига хос йўналишда ижод қилувчи бу ёш рассомларнинг ҳар бири мамлакатимиздаги ва хориждаги кўплаб кўргазмаларнинг иштирокчиси бўлишса-да, уларни бир-бирига боғлаб турувчи бир ришта бор. Уларнинг уччови ҳам Я.Салпинкидининг тажриба студиясида таҳсил олишган. Бундан ташқари, ёш мусаввирлар ўз дунёқарашлари ва фалсафий ўйларини томошабинга етказишнинг бетакрор чизгиларини топа билишган. Буни, айниқса, Дмитрий Охунбобоевнинг «Бойчечаклар фасли» суратидаги майин баҳор нафасини таратиб турган бойчечаклар, табиатнинг уйғонишидан шукуҳланаётган жониворлар тасвирида, Анна Ивановванинг «Яшил тепаликлар» суратидаги яшил адирларга тикилиб орзуга берилган қизлар юзида ва Сейран Куртжемилнинг «Оқ қуш изидан» суратидаги томошабинни қанотига ўтқазиб, узоқларга олиб кетишга шайланган хаёлий қуш тимсолида яққол кўрамиз.

**Муҳаббат ЙЎЛДОШЕВА.**

"TEZINTOM" ЎЗБЕКИСТОН-ГЕРМАНИЯ ҚК
TEZINTOM
ЎЗ ХАРИДОРЛАРИГА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ҚУРИЛИШ АНЖОМЛАРИНИНГ ЎТА ЗАМОНАВИЙ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:




ТУРЛИ РАНГДАГИ ЎТА ЗАМОНАВИЙ ТОМ ЁПҚИЧ АНЖОМЛАРИДАН ИБОРАТ БЎЛМИШ ТОМЛАР ТЎЛИҚ КОМПЛЕКТЛАРИНИ ТОПШИРИШ
•Варақсимон ва доналик металлочерепицалар
•Майда тароқли уч хил турдаги профнастил (профил баландлиги 19 мм)
•Кўп турдаги аксессуарлар (том пардози элементлари). Металлочерепица ва профнастил узунлиги 0,95 дан 12 метргача. 1 квадрат метр маҳсулотнинг вазни 4, 5 кг. Том анжомларини барчаси ғарб ускуналарида чет эл хомашёсидан тайёрланади.
ДЕВОР ВА ОСМА ШИФТ ДЕКОРАТИВ ПАНЕЛЛАРИ, ЎРНАТГИЧ ЭЛЕМЕНТЛАРИ БИЛАН БИРГАЛИКДА
Турли рангдаги полимер қопламалик, қалинлиги 0,5 ммлик пўлатдан ясалган.

Гўзал ва ишончли

ТУРЛИ РАНГДАГИ ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛАРИ БИЛАН БЕЗАК БЕРИШ
"МЕЕН" (Германия), фирмаси технологияси асосида агрессив муҳитта металл ва электр ўтказувчи пластмасса маҳсулотларига.
ГЕРМАНИЯНИНГ "НЕВО" ФИРМАСИ УСКУНАСИДА ТАЙЁРЛАНГАН ЮКСАК БАДИИЙ САВИЯДАГИ НОЁБ МЕТАЛЛ МАҲСУЛОТЛАРИ
Жимжимадор панжаралар, суянчиқлар, ғаройиб дарвозалар, қандиллар ва бошқа гўзал буюмлар.

Манзил: Тошкент ш., Муҳитдинов к., 1(ТОЭМЗ – 1). Мўлжал: "Буюк Ипак йўли" м. ст.
"ТЕЗИНТОМ" қўшма корхонаси маҳсулотларининг нархлари сезиларли камайтирилган
Тел.: (998-71) 162-42-47, 162-78-59, 162-42-74. Факс: 162-41-05. E-mail: tezintom@globalnet.uz

ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ АРАФАСИДА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ
NBU
«Сўм карточкаси» омонати бўйича анъанавий совринли ўйин ўтказади.
СИЗ 10000 ДАН 500000 СЎМГАЧА БЎЛГАН ЮТУҚ СОҲИБИ БЎЛИШИНГИЗ МУМКИН.
*Бундай ноёб имкониятни қўлдан чиқарманг.*
Тиражда 2003 йил 1 декабрга қадар очилган барча сўм карточкалари иштирок этади.
Ўйин 2003 йил 18 декабрда соат 12.00 да қуйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент шаҳри, С.Азимов кўчаси, 49-«А» уй, Миллий банк гузари. Тираж натижаларини «Ўзмиллийбанк»нинг барча муассасаларида билиб олишингиз мумкин.
Супермаркетлар, дўконлар, ресторанлар, хизмат кўрсатиш корхоналари, уяли алоқа компаниялари, авиа ва темир йўл кассалари, автомобилга ёнилғи қуйиш шохобчаларида «Ўзмиллийбанк» сўм карточкаси ёрдамида товарлар харид қилишдек ва хизматлар ҳақини тўлашдек қулайликдан фойдаланинг.
Сиз Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг барча бўлим ва филиалларидан сўм карточкаларини бепул олишингиз мумкин. Мулоқот учун телефонлар: 137-62-80, 137-62-83. www.nbu.com

**Осиё минтақасида энг ривожланган давлат саналган Жанубий Кореянинг ривожланишига назар солсак, бу жараён 1960 йилларда бошлангани ва корейс халқи учун ниҳоятда оғир кечгани маълум. Жанубий Корея иқтисодиётининг етакчи тармоғи қишлоқ хўжалиги бўлганлиги, лекин озиқ-овқат билан ўзини ўзи боқа олмаганлиги, ҳатто ўша даврларда корейс ишчисининг бир коса гуруч учун 10-12 соатлаб ишлагани тарихдан аён.**

# тараққиёт табиати

**Генерал Пак Чжан Хи раҳбарлигида 1961 йилда бошланган ислоҳотлар XX асрнинг охирига келиб, ўзининг натижасини бердики, ҳозирги даврда Жанубий Корея аграр давлатдан ривожланган индустриал мамлакатга айлангандир.**

Булардан англашиладики, дунёнинг ривожланган давлатларидаги бугунги юксак турмуш даражаси ўн, йигирма, юз йилда эмас, балки бир неча аср давомида шаклантирилган.

Президентимиз Ислом Каримов: **"Марказлаштирилган тартибда режалаштириш ва бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик услубидан бозор иқтисодиётига ўтиш – бу мавжуд хўжалик юритиш усулини янгилаш ёки такомиллаштириш эмас, балки тамоман янгича хўжалик юритиш тизимини жорий этишдир. Бу бир сифат ҳолатидан иккинчисига ўтишдир. Бу одамлар учун мутлақо янги ҳаёт фалсафасидир. Шунга кўра, у бир вақтнинг ўзида бўладиган тадбир сифатида амалга оширилиши мумкин эмас, балки бир қанча босқичларни ўз ичига олувчи узоқ даврни талаб қилади"**, – деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, биз ҳозир иқтисодий трансформация ва бозор иқтисодиёти шароитида яшамоқдамиз. Бозор иқтисодиётининг эса ўзига хос талаблари ва қонун-қоидалари бор.

Шулардан энг асосийси – бозор иқтисодиёти ҳар бир одамдан, аввало, бажариб турган ишини энг юқори сифатда, энг юқори фойдалиликда ва энг кам харажат билан бажаришни тақозо этади.

Бозор иқтисодиёти — бу ҳар бир субъектнинг ўзи қабул қилган қарор ва унинг натижаси учун масъулиятни ўз зиммасига олиши, демакдир.

Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, турмушимиздаги муаммолардан нолувчилар айни ана шу талабларга ўзлари нечоғлик жавоб бермоқдалар? Биз фаровонликка эришмоқчи бўлсак, аввало, ҳар биримиз ўзимизга ана шундай савол беришни ҳам ўрганишимиз лозим.

Трансформация жараёнини бошидан кечираётган бошқа давлатлардаги сингари бизда ҳам такомиллаштирилиши лозим бўлган масалалар бор. Булар янги иш жойларини ташкил этиш, тадбиркорлик, кичик бизнесни янада ривожлантириш, корхоналар ишлаб чиқариш қувватининг тўлиқ ишлашини таъминлаш ва иқтисодий ўсиш суръатини янада ошириш ва бошқалардир. Бу масалалар босқичма-босқич муваффақиятли ҳал этилмоқда. Аммо ҳаёт бир жойда тўхтаб турмагани-дек, уларни воқеалар жўшқинлиги нуқтаи назаридан такомиллаштириш зарурати ҳамиша мавжуд бўлади.

Ижтимоий организм саналган давлатнинг барпо этилиши, шаклланиши ва ривожланишини инсон ҳаётига қиёслаш мумкин. Ҳар бир одамнинг ҳаётида туғилиш, болалик, ўсмирлик ва комил инсонга айланиш босқичлари, даврлари бўлгани сингари бу ҳолатлар давлатга ҳам хосдир. Тўғри, биз 70 йилдан ошиқ давр ичида фақат давлатга ишониб яшадик, яъни ҳамма муаммоларимизни давлат ҳал этади, деб ўйлар эдик.

Бозор иқтисодиёти шароитида эса ҳар ким ўзига тегишли вазифани ўзи ҳал этиши, яъни давлат ўз функциясини, фуқаролар ўз вазифасини бажариши лозим. Лекин бу табиий ҳолат ҳаммага ҳам маъқул келаётгани йўқ. Бунинг натижасида баъзи одамларда ўз манфаатини давлат, халқ манфаатидан устун қўйиш, солиқ тўлашдан бўйин товлаш ва мамлакат истеъмол бозорини сифатсиз, шубҳали, ҳужжатсиз товарлар билан тўлдиришга мойиллик кучайиши, энергетика ресурслари (электр, газ, сув, иссиқлик)дан ноқонуний фойдаланишнинг одатий ҳолга айланиши, хизмат кўрсатиш соҳаси (компьютерлар йиғиш, таксичилик қилиш, воситачилик)да тегишли лицензия ва рухсатномасиз иш юритиши каби ҳолатлар кузатилаётир.

Лекин ўзини шу халқ фарзанди ва давлат фуқароси деб билган шахс зиммасидаги вазифани белгиланган тартиб-қоида асосида бажариб, ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини сидқидилдан, ҳалол юзага чиқариши орқали давлатимизнинг молиявий асосини юксалтириш ва халқимиз турмуш даражасини оширишга ҳисса қўшишини унутмаслиги керак.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг ўзига хослиги шундаки, муайян давлатлар ўзининг сиёсий мустақиллигини олдиндан қўлга киритиб, кейин иқтисодий муаммоларни ҳал этган бўлса, Ўзбекистонда эса бир вақтнинг ўзида ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий-маънавий муаммоларни ечишга тўғри келмоқда. Чунки биз узоқ йиллар мобайнида, юқорида айтганимиздек, ягона империя таркибида яшадик, жамият иқтисодий тараққиёти тарихидаги мавжуд «эволюцион ҳалқа»ни четлаб, бирданига социализмга ўтган эдик. Натижада жамият тараққиётида бутун бир даврни бошимиздан кечирмаганлигимиз бизда кўпгина сиёсий, иқтисодий-ижтимоий муаммоларнинг йиғилиб қолишига сабаб бўлган эди.

Бунда биз бозор муносабатлари, унинг хусусий сектор, тадбиркорлик, кичик бизнес, рақобат, турли мулк шакллари ва хўжалик укладларининг афзалликларини назарда тутмоқдамиз.

**Лекин жамиятнинг ривожланиш табиатига кўра, тараққиётнинг ҳар бир босқичи (ҳалқаси) эволюцион тарзда, албатта, босиб ўтилиши шарт. Агар тараққиётнинг бу қоидасига қарши бориладиган бўлса, ҳаёт қачонлардир барибир ҳаммасини жой-жойига қўяди. Зулм асосига қурилган СССРнинг 73 йилдан кейин тарқалиб кетиши бунинг яққол исботидир.**

Одатда, миллий давлатчилик, миллий иқтисодиёт ва йўқотилган миллий қадриятларни тиклаш учун бир неча ўн йил, юз йиллар талаб этилади. Аммо мамлакатимизда бу масалалар жуда қисқа вақт ичида ҳал этилди.

Демоқчимизки, трансформация жараёнини бошидан кечираётган давлатларда фаровон турмуш ва эркин келажакни таъминлаш учун муайян вақт талаб этилади. Чунки бу жараён олдинги тизимнинг ривожланишига халақит берган эски фикрлар, қолоқ психология, эскича бошқарув усуллари ва шаклларидан қутулиш, янги муносабатлар тизимини мушоҳада қилиш, идрок этиш ва уларни ҳаётга жорий қилиш учун керак.

Жаҳон иқтисодиёти амалиётида трансформация жараёнини бошидан кечирмаган давлатни топиш қийин. Чунки бу жараён янги цивилизацияга олиб борадиган ягона йўл ва умуминсоний қонуниятдир. Биз тарихан қисқа давр — ўн икки йил ичида ишлаб чиқаришнинг пасайиш тенденциясини тўхтатиш, иқтисодий барқарорликка эришиш ва жамиятдаги ижтимоий тангликларнинг олдини олиш каби энг мураккаб масалаларни муваффақиятли ҳал этганимизнинг ўзи халқимизнинг катта тарихий ютуғидир.

Бизнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эришган ютуқларимизга баъзи давлатлар бир неча ўн йиллар, асрлар давомида эришган. Бу нафақат бизнинг, балки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар ташкилоти — ЮНИСЕФнинг ҳам эътирофидир. Бундай муваффақиятнинг сабаби, аввало, халқимизнинг бахтига Президент Ислом Каримовнинг узоқни кўра биладиган раҳбар эканлиги бўлса, иккинчиси, — халқимизнинг меҳнаткашлиги ва бунёдкорлигидир.

Бугунги кунда қўлга киритган ютуқларимиз билан бирга, олдимизда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш негизида халқимизнинг турмуш даражасини янада кўтариш, иқтисодий ўсиш суръатларини тобора юксалтириш каби улкан вазифалар турибди. Ушбу хайрли ишларни бажаришда ҳар биримиз жамиятда рўй бераётган ўзгаришларни теранлик билан тўғри идрок этишимиз, ишимизни ҳалоллик билан, сидқидилдан адо этишимиз муваффақиятларимиз гарови бўлиб қолаверади.

**Одил ҲАМРОЕВ,**
**иқтисод фанлари номзоди.**

*Ташкилот ва корхоналар диққатига!*
**Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармасининг**
**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ** *вилоятда 2004 йилда қурилиши режалаштирилган қуйидаги янги иншоотларга танлов савдолари (тендер) ўтказилишини эълон қилади:*

1. **Термиз туманининг «Янги ҳаёт» ширкат хўжалигида 50 ўринга мўлжалланган қишлоқ врачлик пункти «калити билан» («под ключ») қурилиши.**
Бошланғич нархи — 67,5 млн.сўм.

2. **Қумқўрғон тумани, «Беш қаҳрамон» ширкат хўжалиги, «Навбаҳор» маҳалласида 50 ўринли қишлоқ врачлик пункти «калити билан» («под ключ») қурилиши.**
Бошланғич нархи — 67,5 млн.сўм.
Қурилиш ишларини бажариш муддати — 180 кун.

3. **Музрабод туманининг 17-сонли 192 ўқувчи ўрнига мўлжалланган мактаб «калити билан» («под ключ») қурилиши.**
Бошланғич нархи — 76,4 млн.сўм.

4. **Ангор туманининг 17-сонли 192 ўқувчи ўрнига мўлжалланган мактаб «калити билан» («под ключ») қурилиши.**
Бошланғич нархи — 76,4 млн.сўм.

5. **Қумқўрғон туманининг «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида 31-сонли 192 ўқувчи ўринли мактаб.**
Бошланғич нархи — 76,4 млн.сўм.
Қурилиш ишларини бажариш муддати — 215 кун.

Барча иншоотларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш 2004 йил манзил дастурига мувофиқ амалга оширилади. *Буюртмачи* — Сурхондарё вилояти ҳокимлиги мукаммал қурилиш бошқармаси. *Манзили:* Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. *Телефонлар:* 2-49-71, 2-49-77, факс: 2-49-75.

6. **Термиз шаҳри, А.Навоий кўчаси, 45-уйда жойлашган қурилиши тугалланмаган 2 қаватли бинони қайта таъмирлаб, «Асака» банк маъмурий биносига айлантириш.**
Қурилиш ишларини бажариш мудаати — 223 кун.

Иншоот қурилиш ишларини молиялаштириш — ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади.
Буюртмачи — ДАТ «Асака» банки Сурхондарё филиали.
Манзили: Термиз шаҳри, А.Икромов кўчаси, 84-уй. Телефонлар: 6-00-34, 6-00-36.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича республика бошқармасининг Сурхондарё вилояти филиалига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: ***Термиз ш., М.Қаҳҳор к., 14-уй. Тел./факс: (8-37622) 2-75-01, 2-75-04.***

*Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.*

**Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади. Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Термиз шаҳри, М.Қаҳҳор кўчаси, 14-уй.**

O'ZSANOATQURILIShBANK
Кўпларни танишади – муносибларни танлашади !

